

Давронбек Боймуродов,

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

Сарвар Абдурахимов,

Ўзбекистон Миллий университети Табиий география кафедраси стажёр ўқитувчиси

Шохсанам Ботирова,

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 276-мактабнинг география фани ўқитувчиси

ҲИСОР ТИЗМАСИ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ТАРМОҚЛАРИДАГИ КАРСТ ҒОРЛАРИНИНГ ТУРИСТИК ВА АРХЕОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Анотация: Ушбу мақолада, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида жойлашган ғорлар тавсифи беририлган. Инсонлар ғорлардан узок тарихи давомида фойдаланиб келган, ҳозирги кунда эса улардан фойдаланишнинг бир қанча турлари вужудга келдики, энди ғорларни чуқурроқ ўрганишни тақазо этмоқда. Зеро бу орқали, уларнинг туристик ва археологик аҳамияти ҳам кўрсатиб ўтилади.

Калим сўзлар: карст, археология, ғор, “табиат ёдгорликлари”, туризм, палеолит

TOURISTIC AND ARCHAEOLOGICAL SIGNIFICANCE OF KARST CAVES IN THE SOUTH-WESTERN SPURS OF THE GISSAR RIDGE

Abstract: this article provides a description of the caves located in the southwestern spurs of the Khisor ridge. Humans have used caves for a long history, and a number of forms of exploitation have now emerged that now require deeper exploration of caves. This also demonstrates their tourist and archaeological significance.

Key words: karst, archeology, cave, “Natural Monuments”, tourism, Paleolithic

Кириш. Замоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, мамлакатларнинг урбанизация даражасини юқорилаётганлиги, аҳолида бўш вақтларнинг кўпайиши, экологик ҳолат, касбий фаолиятидаги мунтазам ақлий ва жисмоний меҳнат, ташқи таъсирлар инсонларнинг саломатлигининг йўқолишига, жисмоний ва руҳий толиқишига сабаб бўлади. Бу каби ҳолатларда дам олшни тўғри ташкил этиш лозим. Шу боис, рекреацион-

туристик фаолиятга бўлган талаб ортади. Натижада, соғлиқни тиклаш ва дам олишни ташкил этиш учун табиий шароити қулай ва хушманзара жойларда махсус рекреацион-туристик масканлар бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида мамлакатимизнинг хушманзара жойлари, табиий геотизимлари, эстетик дам оладиган, саломатлигини тиклайдиган жойларини аниқлаш ма уларнинг потенциалини баҳолаш борасида қатор топшириқлар белгиланган [8].

Уларнинг ижроси ўлароқ, кейинги йилларда Ўзбекистон, шу жумладан, Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тармоқларидаги, ғорларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бунга сабаб, уларнинг фақат сирлилиги, гўзаллиги ва кам ўрганилганлиги бўлмай, шу билан бирга, ғорларнинг йилдан йилга илмий ва амалий ахамият касб этаётганлигидир.

-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари карст ғорлари кенг тарқалган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Карстшунос ва ғоршуносларнинг олиб бруган ишлари натижасида бу ҳудудда 180дан зиёд карст ғорлари борлиги аниқланган. Бу ғорларни қидириб топишга ва текширишга олимларимиздан Н.А.Гвоздецкий (1954, 1972), О.Ю.Пославская (1959, 1961, 1963), М.Маматқулов (1961, 1969, 1979, 1981), М.А.Абдужаборов (1985), А.Маматов (1970), М.А.Хошимов (1976) ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Шуни қайд қилиш керакки, Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқлари худудида тарқалган карст ғорлари қадим замонлардан бошлаб кишиларни ўзига жалб қилган. М.Маматқулов ва М.Хошимовларнинг (1972) кўрсатишича, бу худуд ғорлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги грек олим ва сайёҳларнинг илмий асарларида учратилади. Тарихдан маълумки, милоддан олдин 329-328 йиллар Александр Македонский кўшинлари ўлкамизга бостириб кирган. Бу грек олимларига ўлка билан танишишига имконият яратган. Уларнинг асарларида Ўрта Осиё табиати, бу ўлкадаги географик объектлар (дарёлар, кўллар ва бошқалар), шу жумладан ғорлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар бор. Қадимги грек олими ва сайёҳи Диодор Ситсийский ўзининг “Библиотека” номли асарида Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқларидаги ғор ҳақида ёзиб қолган.

Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқлари ғорларини ўрганишга О.К.Ланге номидаги гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида 1972-йилда М.Маматқулов ташаббуси билан ташкил қилинган карстшунослик ва ғоршунослик лабораторияси катта хисса қўшган. Бу лабораторияда К.Орипов, И.Отажонов, М.Хошимов, М.Юсупов сингари карстшунос ва ғоршунос олимлар илмий-текшириш ишлари олиб бориб, бу худудда ўша давргача маълум бўлмаган карст ғорларини излаб топишди ва текширишди. Бундай ишлар А.Навоий номидаги Самарқанд давлат университети дотсентлари М.Абдужаборов, Р. Халимовлар томонидан ҳам бажарилди.

-Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотни олиб боришда замонавий географик ахборотлар тизими (ГИС), комплекс географик, картографик, адабиётлар билан ишлаш, дала тадқиқот каби методлардан фойдаланилди.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Карст ғорлари табиатнинг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Улар табиатнинг

тинимсиз қудратли “меҳнати” натижасида бир неча минг, ҳатто миллион йиллар мобайнида яратилган. Табиат ёдгорликлари, шу жумладан карст ғорлари фақат бир марта ҳосил бўлиб, уларга тўлиқ ўхшагани қайталаб ҳеч қачон бунёд бўлмайди, қайтадан тикланиб, ўзининг дастлабки ҳолига келмайди. Уларнинг янғиси яратилиши мумкин, лекин улар ҳеч қачон бири иккинчисини қайтармайди, бири иккинчисига ўхшамайди. Шунинг учун табиат томонидан геологик даврлар мобайнида яратилган табиат объектларини машҳур немис олими А.Гумбольдт “табиат ёдгорликлари” деб аташни ўтган асрнинг охирларидаёқ таклиф қилган [1, 2]. Чунки уларнинг илмий, амалий, айниқса нафосат аҳамияти жуда каттадир. Демак, Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқларидаги мавжуд ғорларнинг кўпчилиги табиатнинг ноёб ёдгорликлари ҳисобланиб, уларни муҳофаза қилишни катта аҳамияти бор.

Ўзбекистонда археология соҳасидаги буюк кашфиётлар ва нодир топилмалар Ҳисор тоғ тизмаларидаги ғорлар билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, 1938 йилнинг 4 июлидаги топилма ғор археологияси тарихида катта воқеа бўлди. Шу куни академик А.П.Окладников (1939) Бойсун тоғларининг Зовталашсой водийсидаги Тешиктош ғоридан 8-9 ёшли неандертал боланинг бош суягини топди [4]. Бу Ўзбекистон ҳудудида камида 350 минг йил илгари ҳам одамлар яшаганлигидан далолат беради. Бобокалонларимизнинг палеолит даврига оид бу қароргоҳи йирик айвонсимон камардан иборатдир.

Бу ерда сойнинг оҳактошларни кесиб тушган тоғ ва чуқур дараси, ундаги асрий арчалар ибтидоий одамлар яшаган уша кўҳна дунёнинг ёввойи ва экзотик манзарасини намоён этади.

Тешиктош ғори Шеробод тумани марказидан 30 километр шимоли-ғарбда, Кўрчактоғ тизмасининг ғарбий ёнбағрида, денгиз сатҳидан 1270 метр баландликда жойлашган [5, 6]. Ғор юқори юра даври оҳактошларида ҳосил бўлган. Унинг кириш қисмининг баландлиги 8 метр, эни 1,5 метр. Кириш

кқсмида баландлиги 4,5 метрли, эни 1 метрли ва узунлиги 2 метрли катта харсанг тош парчаси ғорнинг шипидан кулаб тушган. Ғорга кирилгандан сўнг унинг ичида эни 6 метрли, узунлиги 10 метрли зал очилади. Қадимги кишилар шу залда яшашган. Ғорнинг узунлиги 21 метр.

Республикамизда тасвирий санъат тарихи ҳам илк бор Ҳисор тоғ тизмаларидаги ғорлардан бошланган. Мезолит ва неолит даври ғор рассомчилигининг классик мисолини Кўҳитанг тоғида, Заравутсой водийси Хатликамар карст ғори деворларида учратамиз. Қизғиш табиий буюқ билан оҳактош бетига чизилган бу расмлар қадим аждодларимизнинг юксак дид эгалари бўлганликларидан дарак беради. Бу расмлар 1912 йилда харбий топограф Федоров томонидан топилган. Буларни 1940-45 йилда археолог Г.В.Парфенов бу ердаги 200 дан зиёд расмларни ўрганган [7].

Ғорлардан туризм мақадида фойдаланиш. Ғорлар ер ости саёзқатини севучилар учун ажойиб экскурсион объект хисобланади. Ер шарида хар йили миллионлаб ер ости саёхатини севувчилар ғорларга кириб, уларнинг гўзаллигидан завқ олади, бахраманд бўлади. Профессор Г.А.Максимовичнинг маълумотига кўра, Ер юзидаги 800 дан зиёд туризм учун мослаштирилган ғорларга хар йили 26 миллионга яқин киши кириб томоша қилади [3].

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқларидаги кўпгина ғорларга қадим замонлардан бери кишилар кириб, уларни гўзаллигидан бахраманд бўлишади. Бунга Темурланг, Хужаи Пок, Каптархона ва бошқа ғорларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ғорларга хар йили кўплаб маҳаллий аҳоли ва бошқа хорижий мамлакатлардан кишилар келиб, уларни томоша қилишади, уларнинг гузаллигидан нафосатли завқ олишади. Лекин хозирга қадар бу худуддаги биронта ғор туризм мақсади учун ўргайилмаган ва жихозланмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олсак, ёввойи туризмни

севувчилар учун ажойиб масканларга айлантириш, уларни ҳам ичига олувчи туристик маршрутлар ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдужабаров М.А. Изучение морфологии и генезиса карста гор Южного Узбекистана. -Самарканд, 1985.
2. Гвоздецкий Н.А., Абдужабаров М.А. Гипсовый карст и пещеры в горах Байсунтау и северной части хребта Кугитангтау. Состояние и задачи карстово спелеологических исследований. -Москва, 1975.
3. Максимович Г.А. Туристические пещеры мира, их посещаемость. Исследование карстовых пещер в целях использования их в качестве экскурсионных объектов. -Тбилиси, 1978.
4. Мавлонов Ғ.О., Маматкулов М.М. Ўзбекистоннинг ер усти қиёфаси. -Тошкент, 1964.
5. Маматкулов М.М. Карст Западного и Южного Тянь-Шаня. Ташкент,1979
6. Маматкулов М.М. Ўрта Осиё қорлари. Тошкент, 1991.
7. Маматкулов М.М., Хашимов М.А. О находке мрамарного оникса в пещере Ажинакамар хребта Кугитангтау (Южный Узбекистан) . Узбекский геологический журнал, № 4,1977.